
ЯНГИ БОҒЧАНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ

Бугун Риштон туманидаги 54- давлат мактабгача таълим ташкилотининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Зоҳидон МФЙ Узун кўча ҳудудида истиқомат қилувчи фуқаролар учун чин маънода байрамга айланди. Ушбу мактабгача таълим ташкилоти 120 ўринга мўлжалланган бўлиб, 2 600 000 000 сўм маблағ ҳисобига янгитдан қуриб битказилди. Очилиш маросимида туман ҳокими ўринбосари З. Умаров, туман прокурори 2-сектор раҳбари Ш. Турдалиев, мактабгача таълим бўлими мудирлари М. Дадажонова, Зоҳидон МФЙ раиси Р. Раззоқов, МТБ ходимлари, МФЙ фаоллари, ота-оналар иштирок этишди.

2021-03-31 15:21:31